



GERMANIYA TASHKI ISHLAR VAZIRINING ЎЗBEKISTONGA TASHRIFI DOIR

Германия Федератив Республикаси ташки ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер 2016 йил 30 март куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Ташриф дастуридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув, мамлакатимиз ҳукуматида музокаралар ўтказиш ўрин олган бўлиб, уларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар муҳокама қилинади.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари қизғин давом этмоқда.

Самимий мулоқот, ҳаётий таклиф- мулоҳазалар

— Бугунги учрашув-мулоқотимиз юртимизда Наврўз шукҳи кезиб юрган байрам кунларида ўтаётгани билан янада аҳамиятли. Худди шу лаҳзаларда дунёнинг қай бир ҳудудда ўқ овозларига юрак олдириб, на ишга, на ўқишга боролмай, жонини ҳовучлаб яшаётганлар борлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак.

Ҳаммамиз мана шундай тинчлик-осойишталикда яшаётганимизга ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Улуғ мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ишхотлар, парламентимизда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида сизлар билан суҳбатлашиб, фикр олгани келди. Кўнглингиздаги режаларингиз, ечимини кутаётган масалалар ҳақида очик-ойдин гаплашсак...

► Давоми 2-бетда.

ЎЗBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI «ISTIQBOL» ЁШЛАР ҚАНОТИ



«ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» КЛУБИ фаолияти кучайтирилмоқда

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш сектори «Ёш сиёсатчилар» клуби фаолиятини такомиллаштиришга бағишлаб ўқув-семинар ўтказди.

Унда ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, «Ёш сиёсатчилар» клуби координаторлари иштирок этди. Семинарда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш,

фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, бу борада клуб олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилди.

► Давоми 2-бетда.

ШҲТ:

Бугунги кунда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилмоқда. Мамлакатимизда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси ҳамда ушбу нуфузли анжуман доирасидаги бошқа тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилмақда.

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бу масъулиятли вазифа ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллигига тўғри келишида чуқур рамзий маъно бор. Зеро, мамлакатимизнинг раислиги даврида амалга оширилган кенг қўламли ва изчил ишлар ушбу тузилма нуфузини юксалтириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда долзарб муаммоларни ҳал қилишда, хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни

таъминлашда ШҲТнинг роли ва таъсири ошиб бормоқда. Бунда ташкилот саммитларида ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлиси 2016 йил 31 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 30 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатта олинади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми тўғрисида

Жорий йил 1 апрель кунини пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтади.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш ишчи аппарати ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади.

Пленумда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб,

Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида турган вазифалар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2015 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилади.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси амалий Харакат дастурининг 2015 йилдаги ижроси якунлари, жорий йил учун мўлжалланган вазифаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилади.

► Давоми 2-бетда.

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ: ТААССУРОТ, МУНОСАБАТ

Наврўз қувончлари

юртга тинчлик ва
фаровонлик олиб
келади



Равшан АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Уйчи
туман кенгаши раиси,
халқ депутатлари
Наманган вилоят
Кенгашидаги партия
гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи ҳар бир юртошимизни ҳаяжонга солди.

«...Агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди».

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари замирида бутун дунёда осойишталикнинг барқарор бўлиши, аввало, узоғу яқиндаги қўни-қўшни, дўст-биродарлар билан ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликка боғлиқ, деган чуқур маъно мужассам.

Наврўзни яхши кўрган, унинг аъёнана, урф-одатларига амал қилган халқ эса нафақат оиласи, юртида, балки бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт бўлишини истайди.

Шунинг учун Юртошимизнинг тантанали маросимдаги сўзи кишлоқ ва маҳаллаларда давом этаётган байрам сайилларида, партия ташкилотимиз, депутатлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда қайта-қайта тилга олинапти. Айниқса, тинчликнинг қадри, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳақидаги фикрлар мазмун-моҳиятини ёш авлод вакилларида чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қилишимиз.

Турли учрашув ва давра суҳбатларида кўпни кўрган отахону онахонлар, фахрийларимиз фаол қатнашапти. Улар ёшларга ўтган замон қийинчиликлари, бугунги кун имкониятлари, қулайликлари ҳақида ўз кўрган-кечирганлари асосида гапириб беришмоқда. Партиямиз тизимида бундай тадбирлар, учрашувларни нафақат муайян байрамлар ёки саналарда, балки йил — ўн икки ой ўтказишимиз зарур, деб ўйлайман.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи»



Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Олмазор туман кенгаши ҳамкорликда пойтахтимиздаги 2-шаҳар туғуруқ мажмуасида «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказди.

Унда партия фаоллари, шифокорлар ва ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шакланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, тиббиёт мақсадларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гурӯҳи ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Аёллар, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрганиш, шу асосда сессияга таклифлар киритиш бўйича тавсиялар берилди.

Нилуфар ЮЛДАШЕВА,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши
раиси ўринбосари.

ЎЗХДП: ФАКТ
ВА РАҚАМЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АМУДАРЁ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТУМАНДАГИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ ҲАМДА ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ.

ЎЗХДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН
КОНИМЕХ ТУМАНИДА КЎЧМА ЖАМОАТЧИЛИК
ҚАБУЛХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ҚАБУЛ
ДАВОМИДА 10 ДАН Ортиқ МАСАЛАДА
МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ.

НИШОН ТУМАНИДАГИ ЎЗХДП
ХУДУДИЙ БОШЛАНҒИЧ
ТАШКИЛОТЛАРИДА «ЁШ СИЁСАТЧИ —
2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ
ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

■ Сайлов округларидаги учрашувларда сайловчилар, аҳоли вакиллари фаол иштирок этмоқда, долзарб ижтимоий масалалар кўтарилмоқда.

Самимий мулоқот, ҳаётий таклиф-мулоҳазалар

42-Косонсой сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Собитхон Турғунов Косонсой туманидаги «Тергачи» қишлоғида истиқомат қилувчи сайловчилар билан мулоқотни юртимиздаги тинчлик ва унинг аҳамияти ҳақидаги сўзлар билан бошлади.

Депутат Президентимизнинг Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар, шунингдек, Наврўз байрами тантаналаридаги сўзиди илгари сурилган ғояларга эътибор қаратади.

Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани ҳар биримизни қувонтиришини таъкидлади.

Депутат, шунингдек, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, айти кўнларда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари ҳақида атрафчилик маълумот берди. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида» қонунлар ва уларнинг моҳиятига сайловчилар эътиборини қаратди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Депутат жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани ҳар биримизни қувонтиришини таъкидлади.

объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича туман Кенгаши депутатлари — Одиложон Мираҳмедов, Исохон Исмоилов, Аскаржон Ҳасанов, Узоқжон Турсунов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Косонсой туман газ таъминоти корхонаси бошлигининг ўринбосари Муҳриддинхон Орипов газ таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот тақдим этди.

«Уриқзор», «Садача», «Чорбоғ», «Хуррият-1», «Мовароуннахр», «Наврўз», «Гулбод», «Обод», «Гулистон» маҳаллаларида яшовчи сайловчилар ҳудудлардаги йўлларни асфальтлаш, хорижга чиқиш-келиш, меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий масалалар ҳусусида таклиф-мулоҳазаларини билдиришди...

Бугун Шаҳрисабз шаҳрини таниш қийин. Ҳукумат қарори ва дастури асосида улкан қурилиш ва ободончилик ишлари олиб бориляпти. Айниқса, Амир Темур хийбони ва унинг атрофидаги бунёдкорликлар шиддати ва сифати ҳар қандай кишини лол қолдиради.

— Мен сайловчилар билан учрашувни ана шу бунёдкорлар ҳузурига боришдан бошладим, — дейди Қонунчилик палатаси депутаты Феруза Эшматова. — Туман ободонлаштириш бошқармасида ишлаётган аёллардан бири «Раҳмат сизга, бизни йўқлаб келибсиз. Ҳаётимиз билан қизиқасиз. Шукр, турмушимиз яхши. Бугун жонахон шаҳримизда амалга оширилаётган ишлар эртанги кун учун тенгсиз ҳикояга айланади. Фарзандларимиз шу шаҳарда яшайди, боғларни кезади», деганида кўнглим тоғдек кўтарилди...

Шаҳрисабз ва Китоёб туманларида хунарамандлар жуда кўп. Депутат улар билан ҳам учрашди.

— Чебарлар меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ кўп саволларни беришди. Имкон қадар батафсил жавоб қайтаришга ҳаракат қилдим, — дейди депутат. — Ҳамроҳим — Шаҳрисабз туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, партияимиздан туман Кенгаши депутаты Шахло Раҳмонова билан ҳам таъминланган оила-лардан ҳам хабар олдим.

«Мўминобод» қишлоғида мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтган учрашувда маҳалла фаоллари, партияимиз аъзолари иштирок этди.

Депутат Феруза Эшматова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Холматова, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари, Олим Раҳманов ва бошқалар тинч-осуда

турмушимиз, бандлики таъминлаш, ёшларни ёт ғоялардан асраш ҳақида кўпчиликнинг кўнглидаги гапларни гапирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Комила Каромова «Тўдамайдон» қишлоғи ва бошқа жойларда ўтказган учрашувларда ҳам сайловчилар вакиллари фаол иштирок этишди.

— Эсимда, сайловолди учрашувида қишлоққа деҳқончилик учун сув таъминотини яхшилаш масаласи кўтарилгани, — дейди депутат. — Бу борада Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи директори, партияимиздан вилоят Кенгаши депутаты Ҳамидулла Шерматовга мурожаат қилгандик. Керакли чоралар кўрилди. Ҳозир қишлоққа сув мўл.

Депутат Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи жамоаси билан ҳам учрашди. Корхона оёққа туриб боряпти.

«Тоғайтемир» қишлоғида ва Ғузор туманида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Депутат Комила Каромова Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз фаолияти, парламент назорати, қонунлар моҳияти тўғрисида гапириб берди.

Чироқчидан сайланган депутат, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов ҳам сайловчилар билан бир қатор учрашувлар ўтказмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

■ ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ:
ТААССУРОТ,
МУНОСАБАТ

Наврўз қувончлари

юртга тинчлик ва
фаровонлик олиб
келади



Ҳимматой АЛЛАЁРОВА,
Денов туманидаги «Чўнтош»
маҳалла фуқаролар йиғини
раиси, ЎзХДП аъзоси:

— Шу кўнларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, бизнинг маҳаллаимизда ҳам Наврўз катта шоду-хуррамлик билан нишонланмоқда. Ҳозир маҳаллаимизда 2 минг 800 нафардан ортқ аҳоли истиқомат қилади.

Президентимизнинг Наврўз маросимидаги сўзини телевидение орқали эшитиб, очини, бир аёл, маҳалла фаоли сифатида кўнглим тоғдек кўтарилди, қалбимда янги оруз-умидлар уйғонди. Ўтган йилдаги Наврўз байрамини эсладим.

Ўшанда олдимизга катта мақсадлар қўйган эдик. Бу йилги байрам арафасида ниятларимиз рўёбга чиқди. Қисқа даврда «Чўнтош» ва «Яккатут» қишлоқларида 8 савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга тушди. Замонавий талаблар асосида бунёд этилган 37-умумтаълим мактабида 450 нафарга яқин истиқлол фарзандлари таълим олмақда. Қишлоқ врачлик пункти хизматидан одамларимиз мамнун. Боғдорчилик ва деҳқончилик йўналишида 6 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар байрам тadbирларини ўтказишга бош-қош бўлишди.

Ободлик кўнглидан бошланди, дейдилар. Шунга монанд оқсоқол ва фаоллар билан бамаслаҳат иш олиб бораёпмиз. Қишлоғимизда тоза ичимлик суви таъминотида айрим муаммолар бор эди. Яқинда масала ижобий ечим топди. Давлат бюджетидан 682 миллион сўм маблағ ажратилиб, 6,5 километрга сув қувури ётқизилди. 25 тонна сигимли сув иншооти ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, бу йил Наврўз ўз қувончлари, яхшиликлари билан келди.

Ота-боболаримиз дуо қилганда «Келаси кўнламгача, келаси Наврўзгача эсон-омон етайлик», деб ният қилади. Бу сўзларда улғу ҳикмат бор. Бу тилак орқали юртга тинчлик, халққа фаровонлик сўралади. Келаси Наврўзгача қувончлар, эзгуликлар давом этаверсин, ютуқларимиз кўпаяверсин.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари
Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ
тайёрлади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Хусусан, ЎзХДП дастурий мақсад ва ғояларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш клуб аъзолари олдида турган асосий вазифалардан бири экани таъкидланди.

«ЁШ СИЁСАТЧИЛАР» КЛУБИ фаолияти кучайтирилмоқда

— Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга кўмаклашиш, интилувчан йигит-қизлар сафини кенгайтириш асосий мақсадимиз, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори муdiri Умурбек Бектемиров. — Бу борада қатор лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Ҳозир клуб фаолларини рағбатлантириш, олиб бораётган ишларимизни фотолар ва кўринишда партияимиз сайтига жойлаштириб бориш, ижтимоий тармоқлардаги саҳифамизни янада кучайтириш устида ишлаёпмиз. Буларнинг барчаси клуб фаолияти самарадорлиги ва таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Семинар якунида «Ёш сиёсатчилар клуби» аъзолари ўз саволларига жавоб олишди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Депутат таклифи ва ташаббуси ижтимоий масалалар ечимига хизмат қилади

Депутатлар бирон масалани ўрганиш, уни ҳал этишда қонунчиликда белгиланган турли механизмлардан фойдаланади, таклифлар, ташаббуслар билан чиқади. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишлари, сессиялар муҳокамасига масалалар киритиш, депутатлик сўровларидан фойдаланиш, Жамоатчилик қабулхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Айни пайтда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашида партияимиздан сайланган 13 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 149 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар партия ғояларини тарғиб қилиш, дастурий мақсадларимизни амалга ошириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатишмоқда. Депутатларнинг таклифлари, ташаббуслари асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалалар партия гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритилияпти. Депутатлик сўровлари орқали бир қатор масалалар ечим топмоқда.

Мисол учун, ўтган ойда халқ депутатлари Андижон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Сардорбек Қосимовга «Хартум» қишлоғидан бир гуруҳ фуқаро жойларда чиқиндиларни ташувчи махсус транспорт хизматини йўлга қўйиш масаласида мурожаат қилди. Депутат мутахассисларни жалб этган ҳолда масалани ўрганиб чиқди ва мутасадди корхона-ташкилотларга депутат сўрови юборди. Қисқа вақт ичида мазкур масала ижобий ечим топди. Одамлар депутат кўмагидан мамнун бўлди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Абдулҳамид Нурматов музейларни янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳақида таклиф киритди. Масала

аввал халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси йиғилишида муҳокама қилинди. Сўнгра халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди. Депутат таклифи ҳамда ЎзХДП гуруҳининг ташаббуси маъқулланиб, тегишли қарор қабул қилинди. Айни пайтда мазкур қарор ижроси юзасидан

лапарни кўтариб чиқиш, ташаббус кўрсатиш, таклифлар беришда суҳбатчилик қилмоқда. Бу борада депутатларни фаоллик ва ташаббускорликка ундаш талаб этилади.

Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу маънода партия ташкилотлари, депутатлар фаолияти ҳам доимий такомиллаштирилиб бормоғи

Депутатларнинг таклифлари, ташаббуслари асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалалар партия гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритилияпти.

амалий ишлар бошланди. Депутатлар фаолиятдан бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин.

Лекин афсуски, маҳаллий Кенгашларга сайланган ҳамма депутатлар ҳам бирдек жонкуяр, фидойи, ташаббускор, деб бўлмайди. Айрим депутатлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларга алоқадор муҳим маса-

лозим. Бизнингча, депутатлар таклифлари, фойдали ташаббуслари қанча кўп бўлса, жамоатчиликнинг уларга эътибори кучаяди. Депутатлик сўровидан қанча самарали фойдаланилса, жамоатчилик назорати таъсирчанлиги шунчалик ошади.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШХТга АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

■ Мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги ташкилотни ривожлантириш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ШХТ: ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ШХТнинг 2010 йил 11 июнь куни Тошкентда ўтган ўнинчи мажлиси мазкур масалалар кенг муҳокама этилгани билан ШХТ тарихидан муносиб ўрин олган. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари, кузатувчи ва Ўзбекистон томони таълиф этган давлатлар вакиллари билан, БМТ, МДХ ва бошқа халқаро ташкилотлардан юқори мартабали вакиллар қатнашган.

Саммит кун тартибидан ШХТ ва унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва айирмачиликка, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият ўрин олган эди.

Президентимиз Ислам Каримов ушбу саммитдаги нутқида ШХТни ривожлантириш ва халқаро майдондаги

нуфузини юксалтириш бўйича, ташкилотнинг бош мақсадлари — тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ШХТ давлатларининг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга, гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтиришга эришиш йўлида ташкилотнинг роли ва имкониятларини ошириш борасида қўқур ўйланган, қатъи аниқ мақсадларга йўналтирилган жараён давом этаётганини алоҳида таъкидлади.

Халқаро ташкилотлар билан шериклик алоқаларининг ўрнатилиши ШХТ ривожига муҳим босқич бўлди. 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида имзоланган ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузила билан ўзаро алоқаларига пойдевор қўйган муҳим ҳужжат бўлди.

Глобализм ва турли таҳдидлар кучайган ҳозирги замонда ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг сарф-харақати билан ечиб бўлмайди. Шу

маънода, ШХТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам муҳим масалаларни ечишда баҳамжihat ҳаракат қилишга кенг йўл очди. БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси каби тузилмалари ШХТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ШХТ учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш устувор масалалардан саналади. Бу борада «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси имкониятларидан самарали фойдаланишмоқда. Марказий Осиёда янги қўшма лойиҳалар амалга оширилгани, ишлаб чиқариш корхоналари, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти коммуникацияларини барпо этиш кўпайгани сабаб ШХТ мамлакатлари учун «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг аҳамияти ортб бораверади.

Бугунги кунда нафақат хомашё етиштириш ва қайта ишлаш, балки юқори технологиялар,

юксак даражада қўшимча қий-матга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш барқарор ривожланишининг муҳим омилларидандир. Мамлакатимиз бу борада қўшма лойиҳалар тузиш ва уларни ҳаётга татиқ этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2010 йилги Тошкент саммитида мазкур масалалар, шунингдек, молия муассасалари, банклар, биржалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ахборот алмашувини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам кўриб чиқилди. Минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш мақсадида савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига тўсик бўлаётган омилларни бартараф этиш, бизнес субъектлари ўртасида бевосита алоқаларни кенг қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Транспорт коммуникациялари, агросаноат, юқори технологиялар соҳаларида сарможавий ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан экани таъкидланди.

ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик стратегияси ва

унинг устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар саммит иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Унда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи макомдаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашгани бу масалаларнинг нақадар муҳим эканидан далолат беради.

Мажлисида Марказий Осиё минтақасидаги вазият, хавфсизлик масалалари, жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларига қарши биргаликда курашиш муаммолари ҳам атрафича муҳокама этилди.

Саммитда ШХТнинг Тошкент декларацияси қабул қилинди, ШХТга янги аъзолар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда ташкилот процедуралари қоидалари тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ташкилотнинг ва унга аъзо давлатларнинг ривожланишида бирдек муҳимдир.

Ўзбекистоннинг ШХТни ривожлантириш стратегиясини белгилашдаги ҳамда халқаро сиёсатга оид кўплаб масалалар бўйича фаол позицияси юксак самаралар бермоқда. Хусусан, ШХТнинг 2010 йилги Тошкент саммити муваффақиятли ўтишида Ўзбекистоннинг раис сифатидаги фаолияти муҳим омил бўлди. Бу даврда Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилотнинг халқаро мавқеини юксалтириш борасида улкан ишларни амалга оширди. Бу ШХТ аъзолари томонидан эътироф этилди.

Умуман айтганда, мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги ташкилотни ривожлантириш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ШХТга аъзо давлатларнинг минтақда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим омилдир.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



«КАМОЛОТ» уйлари топширилди

Кармана туманидаги «Талқоқ» маҳалласида «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди. 64 ёш оила замонавий уй-жойга эга бўлди.

— Биз ёшларга берилаётган эътибордан мамнунмиз, — дейди янги уй соҳиби, «Нихол» мукофоти совриндори Шерзод Шодиев. — Бу бизни келажакда жўшиб ижод қилишга, мамлакатимизнинг шон-шухратини янада юксалтиришга ундайди. Қўшниларимизнинг барчаси ёш бўлишига қарамасдан, элда эътибор қозонган инсонлар. Улар билан аҳиликда яшаб, баркамол фарзандларни тарбиялаш ниятида-миз.

Шу кун Қизилтепа туманида ҳам бир гуруҳ ёшларга янги уйлarning калитлари топширилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Молия-ҳисоб соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва магистрлар диққатига!
Тошкент молия институтида 2015-2016 ўқув йили март, апрель, май ойларида ўтказиладиган очиқ дарслар рўйхати

№	Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони	Маъруза мавзуси	Сана	Ўқув биноси, аудиторияси, вақти	Кафедра номи	Маъруза тили
1	Қодиров Эрмат Тошпўлатович, и.ф.н., доцент	Банкларнинг валюта операциялари: СПОТ, СВОП битимлари ҳисоби	28 март 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 413-аудитория, соат 9-00	Банк ҳисоби ва аудит	Рус тилида
2	Юнустаева Рамля Қаҳҳорвна катта ўқитувчи	Молиявий инструментлар таҳлили	30 март 2016 йил	Суғурта факультети, 402-аудитория, соат 12-30	Молиявий менежмент	Рус тилида
3	Саидов Расулбек Болтабоевич, и.ф.н., доцент	Инвестицион рисклар ва уларни минималлаштириш йўллари	1 апрель 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 402-аудитория, соат 9-00	Баҳолаш иши ва инвестициялар	Давлат тилида
4	Очилов Илбас Келдиёрович, и.ф.н., доцент	Пул маблағлари ҳисоби	2 апрель 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 208-аудитория, соат 10-40	Бухгалтерия ҳисоби	Давлат тилида
5	Абдуллаев Зафар Азизович, и.ф.н., доцент	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан тўловларнинг турлари: уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби	4 апрель 2016 йил	Магистратура ўқув биноси, 411-аудитория, соат 10-40	Пенсия иши	Давлат тилида
6	Рахимов Матназар Юсупович, и.ф.н., доцент	Иқтисодий ночор фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлил қилиш хусусиятлари	4 апрель 2016 йил	Магистратура бўлими, 421-аудитория, соат 9-00	Молиявий таҳлил	Давлат тилида
7	Хожиев Мехриддин Сулаймонович, катта ўқитувчи	Транспорт корхоналарида аудит ўтказиш хусусиятлари	5 апрель 2016 йил	Ҳисоб ва аудит факультети биноси, 203-аудитория, соат 10-40	Аудит	Давлат тилида
8	Зойиров Лазиз Субхонович, и.ф.н., доцент	Жаҳон амалиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш	6 апрель 2016 йил	Магистратура бўлими, 401-аудитория, соат 10-40	Баҳолаш иши ва инвестициялар	Давлат тилида
9	Каримова Замира Хакимовна, и.ф.н., доцент	Ҳазначиликда молиявий мажбуриятлар	6 апрель 2016 йил	Суғурта факультети, 1/403-аудитория, соат-12-30	Бюджет ҳисоби	Давлат тилида
10	Обломуродов Нарзулло Наимович, и.ф.н., доцент	Тижорат банкларининг харажатлари ва даромадлари — аудиторлар нигоҳида	7 апрель 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 204-аудитория, соат 9-00	Банк ҳисоби ва аудит	Инглиз тилида
11	Якубов Матрасул Мавлонбердиевич, катта ўқитувчи	Ички аудит: ташкилий ва амалий жиҳатлари	7 апрель 2016 йил	Ҳисоб ва аудит факультети биноси, 210-аудитория, соат 12-30	Аудит	Инглиз тилида
12	Омонов Акроб Абдиназарович, и.ф.д., профессор	Кредит шакллари ва турлари	7 апрель 2016 йил	Молиявий менежмент факультети, 103-аудитория, соат 12-30	Касбий таълим	Инглиз тилида
13	Жиянова Наргиза Эсонбоевна, и.ф.н., доцент	Солиқ назоратини ташкил этиш ва ўтказиш	8 апрель 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 406- аудитория, соат 9-00	Молия	Давлат тилида
14	Сарсенбаева Райхон Маҳанбетовна, и.ф.н., доцент	Ўқув фаолиятини ташкил қилиш шакллари ва воситалари	8 апрель 2016 йил	Молиявий менежмент факультети, 306-аудитория, соат 10-40	Касбий таълим	Давлат тилида
15	Меҳмононов Султонали Умаралиевич, и.ф.н., доцент	Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботлари	9 апрель 2016 йил	Ҳисоб ва аудит факультети, 402-аудитория, соат 10-40	Бюджет ҳисоби	Давлат тилида
16	Таджибаева Дилором, и.ф.н., доцент	Ўқув ва илмий адабиётлар устида мустақил ишлаш, таққослаш, баҳолашни ўргатувчи методлар	11 апрель 2016 йил	Молиявий менежмент факультети, 103-аудитория, соат 10-40	Касбий таълим	Давлат тилида
17	Норбеков Даврон Эшмуродович, и.ф.н., доцент	Аграр сектор корхоналарида солиқлар, мажбурий ажратмалар ва тўловлар ҳисоби	11 апрель 2016 йил	Ҳисоб ва аудит факультети, 202-аудитория, соат 10-40	Бухгалтерия ҳисоби	Давлат тилида
18	Сайфиддинов Илҳом Файзиддинович, и.ф.н., доцент	Замонавий банк технологиялари	11 апрель 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 420-аудитория, соат 9-00	Банк ҳисоби ва аудит	Давлат тилида
19	Хўжамқулов Дилмурод Юсупалиевич, и.ф.н., доцент	Хорижий инвестициялар ва уларни икки томонлама тартибга солиш	12 апрель 2016 йил	Магистратура бўлими, 403-аудитория, соат 10-40	Баҳолаш иши ва инвестициялар	Давлат тилида
20	Срождиддинова Зарина Хайриддиновна, и.ф.н., доцент	Ҳазначиликда юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш	12 апрель 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 305-аудитория, соат 9-00	Бюджет ҳисоби	Рус тилида
21	Бурханов Умар Абдуолимович, и.ф.н., доцент	Тендер савдоларида голибни аниқлаш усуллари: сифат ва баҳо мувозанати	12 апрель 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 202-аудитория, соат 9-00	Молия	Инглиз тилида
22	Қосимова Гуляра Ахматовна, и.ф.н., доцент	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолият механизми	13 апрель 2016 йил	Бюджет ҳисоби ва давлат жамғармалари факультети, 303-аудитория, соат 9-00	Пенсия иши	Давлат тилида
23	Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна, и.ф.д., профессор	Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш механизмининг такомиллаштириш	15 апрель 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 1-маърузалар зали, соат 10-40	Банк иши	Давлат тилида
24	Қосимова Наргиза Сабиджановна, и.ф.н., доцент	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари	16 апрель 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 305-аудитория, соат 10-40	Бизнес ва тадбиркорлик	Рус тилида
25	Шадмонов Шухрат Шеркулович, и.ф.н., доцент	Молия тизими ва молиявий сиёсат	18 апрель 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 2 маърузалар зали, соат 9-00	Иқтисодиёт назарияси	Инглиз тилида
26	Мисиров Камолддин Мамасобирович, и.ф.н., доцент	Билвосита солиқлар ҳисоби	19 апрель 2016 йил	Магистратура бўлими, 208-аудитория, соат 10-40	Бухгалтерия ҳисоби	Давлат тилида
27	Ҳамдамов Баҳром Касимович, и.ф.д., профессор	Бухгалтерия ҳисобининг шакллари ва регистрлари	20 апрель 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 307-аудитория, соат 9-00	Бюджет ҳисоби	Рус тилида
28	Джурбаев Тошболта Тўхтаевич, и.ф.д., профессор	Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли	25 апрель 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 2 маърузалар зали, соат 9-00	Иқтисодиёт назарияси	Давлат тилида
29	Абдурахманов Ҳамзахўжа Турсунхўжаевич, и.ф.н., доцент	Солиқ сиёсати ва унинг асосий тенденциялари	28 апрель 2016 йил	Суғурта факультети 1-бино, 203-аудитория, соат 12-30	Солиқлар ва солиққа тортиш	Инглиз тилида
30	Ибрагимов Файрат Артикович, и.ф.н., доцент	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили	2 май 2016 йил	Магистратура бўлими, 415-аудитория, соат 10-40	Молиявий таҳлил	Давлат тилида
31	Маматов Баҳодир Сафаралиевич, и.ф.н., доцент	Давлат мақсадли фондлари: ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари	3 май 2016 йил	Магистратура ўқув биноси, 411-аудитория, соат 9-00	Пенсия иши	Давлат тилида
32	Тўраев Абдурахим Нортхожиевич, и.ф.н., доцент	Мол-мулк ва ресурс солиқлари ҳисоби	10 май 2016 йил	Магистратура бўлими, 208-аудитория, соат 10-40	Бухгалтерия ҳисоби	Инглиз тилида
33	Ҳамроев Бехзод Мавланович, катта ўқитувчи	Пулнинг вақт бўйича қиймати концепцияси	11 май 2016 йил	Молия-иқтисод факультети, 203-аудитория, соат 9-00	Молия	Инглиз тилида
34	Элмуродов Шохжаҳон Файрат ўғли ассистент	Корхоналарда нарх шаклланиш жараёнини бошқариш	12 май 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 204-аудитория, соат 12-30	Молиявий менежмент	Инглиз тилида
35	Ширинов Сабир Эркинович, и.ф.н., доцент	Мол-мулк ва ресурс солиқларини прогноз қилиш тартиби	17 май 2016 йил	Суғурта факультети 1-бино, 403-аудитория, соат 12-40	Солиқлар ва солиққа тортиш	Давлат тилида
36	Умаров Зафар Абсаматович, и.ф.н., доцент	Микрокредит ташкилотлари капитали, даромадлари ва харажатлари ҳисоби	18 май 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 422-аудитория, соат 9-00	Банк ҳисоби ва аудит	Давлат тилида
37	Ҳакимов Бунёд Джурбаевич, и.ф.н., доцент	Пул оқимлари таҳлили	18 май 2016 йил	Ҳисоб ва аудит факультети, 202-аудитория, соат 10-40	Молиявий таҳлил	Инглиз тилида
38	Бобажонов Тўқтин Ибодуллаевич, и.ф.д., профессор	Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари	20 май 2016 йил	Кредит-иқтисод факультети, 1-маърузалар зали, соат 10-40	Банк иши	Давлат тилида

2016 йил — соғлом она ва бола йили

■ Соғлом бола соғлом оилада, соғлом муҳитда дунёга келади, камолга етади.

Соғлом фарзанд — оила бахти

Жиззах вилоят Она ва бола скрининг маркази директори Шербек Ашуров билан суҳбат

— «Скрининг» — бу оддий усуллар ёрдамида касалликни эрта ва тез аниқлаш, оммавий текширувдан ўтказиш, деган маъноларни англатади, — дейди у. — Скрининг марказларининг асосий вазифаси ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш ва нуқсон билан туғилишнинг олдини олиш, ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказишдан иборат. Республикада 1998 йилдан эътиборан «Она ва бола скрининг» Давлат дастури амалга оширилмоқда.


— Марказимиз асосан уч йўналишда фаолият олиб боради. **Биринчи йўналиш** — ирсий ва туғма касаллик билан туғилганларга, турли соҳа мутахассислари, хусусан невропатолог, эндокринолог, генетик шифокор, гинекологлар томонидан керакли тиббий-генетик маслаҳатлар бериш; **иккинчи йўналиш** — туғруққа қадар (перинатал) даврдан ҳомилагини ривожлантиришда учрайдиган баъзи бир нуқсонларнинг олдини олиш; **учинчи йўналиш** — чақалоқларни туғма касалликлар юзасидан оммавий скрининг текширувдан ўтказишдан иборат.

— **Бу борада қандай ишлар олиб боришмоқда?** — Ўтган йили марказимизда ҳавф гуруҳидаги ҳомиладор аёллар ултраовуш текширувдан ўтказилди. Уларнинг баъзиларида нуқсонлар аниқланди, ҳомиладорлик тўхтатилди. Шунингдек, туғилган

чақалоқлар неонатал скрининг текширувдан ўтказилди. Уларнинг 3 нафарига туғма гипотериоз ва фенилкетонурия касалликлари мавжуд эканлиги аниқланди ва белгиланган тартибда назоратга олиниб, даволаниш учун керакли дори-дармонлар билан бепул таъминланди.

— **Сизнингча, қандай ҳолларда туғма ва ирсий касалликлар хавфи ортади?**

— Боланинг туғма нуқсон билан дунёга келиши бу — фожиадир. Чунки туғма нуқсонларни даволаш жуда оғир ва ижобий натижага эришиш мушкул бўлган жараён ҳисобланади. Аммо унинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун аввало, фарзанд кўриш истагида бўлган ота-онанинг ўзи соғлом бўлиши зарур. Бу эса оилада соғлом турмуш тарзига амал қилинишига боғлиқ. Ота ёки онанинг спиртли ичимликларга ружу қўйиши, гиёҳвандлиги



Бекрўбат ТОҒАЕВ олган сурат.

улارнинг зурриёдига салбий таъсир қилиши, боланинг турли нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлишини унутмаслик керак.

Шу ўринда оилада соғлом фарзанднинг дунёга келишида нафақат она, балки отанинг ҳам бекиёс ўрни борлигини барча англаб олиши зарур. Ота ҳеч жойда ишламаса, кайф-сафо билан овора бўлса, туғилажак фарзанди учун меҳрибонлик қилмаса, аёлини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламаса, бундай оилада нуқсонли бор, касалманд болаларнинг туғилиш хавфи ошади.

Ота-оналар ирсий касалликлар ҳақида қуйидагиларни

Боланинг туғма нуқсон билан дунёга келиши бу — фожиадир. Чунки туғма нуқсонларни даволаш жуда оғир ва ижобий натижага эришиш мушкул бўлган жараён ҳисобланади.

билиши лозим. Аввало, бу касаллик генларнинг наслдан-наслга ўтиши натижасида юзага чиқади. Қариндошлар

ҳомиласини текширтириш учун келди. Маълум бўлишича, у ҳолининг ўлига турмушга чиққан экан. Айтишича, биринчи фарзанди ирсий касаллик билан дунёга келган. Текширишлар натижасига кўра, иккинчи боласида ҳам шундай касаллик аломатлари аниқланди.

Аслида бу кўнгилсиз ҳолат юз бермаслиги мумкин эди. Шифокорлар томонидан доимий равишда оғохлантирилишига қарамасдан ҳали-ҳамон қариндошлар ўртасида никоҳлар қайд этилаётгани ачинарли ҳолдир.

— **2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши энг, аввало, ота-оналар зиммасига улкан масъулият қўлайди. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, соғлом инсон — жамият гултожи ҳисобланади. Соғлом бола эса соғлом келажақ гаровидир. Соғлом бола соғлом оилада, соғлом муҳитда дунёга келади, камолга етади. Бундан оила ҳам, жамият ҳам манфаат кўради. Шундай экан, мамлакатимизда жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши халқимиз, ҳар қайси оила ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этишини аңлаш қийин эмас.

Иброҳим ЖОНУЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида»ги 573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2016-2017 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари харид қилиш учун очик тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Маъмур тендер савдолари очик турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар 1-синф ўқувчилари ҳамда яқка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ва (ёки) бюрократича сифати ва баҳоши жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Бундан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган, тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчи — кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Тендерда маҳсулотларни тегишли ҳажмларини етказиб бериш таърибига эга бўлган хорижий фирмалар ва таъшилотлар, ҳам республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар (товар етказиб бериувчилар) қатнашишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар: — тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар; — ўз мuddатига ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномадан бўйича келишилган мажбуриятларни ўз мuddатига бажармаганлар;

— маъмур эълон чоп этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам мuddат ичида ташкил топган корхона ва таъшилотлар;

— Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

— Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб беришмаганлар; — ўқувчилар суммаси, дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами, пенал ва шарикли ручка бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (маъмур маҳсулотлар бўйича ўз тендер тақлифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер тақлифлари (конвертлар) очилганига қадар, Тендер комиссияси ва (ёки) Тендер комиссияси топширигига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва таъшилотлар саралаш босқичидан (квалификационий отбор) ўтказилади.

Бундан талабдорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер тақлифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар

тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

Талабдор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва таъшилотлари учун:

— маҳаллий статистика органлари томонидан талабдорнинг ўқувчилар суммаси, дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами, пенал ва шарикли ручка бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

— ҳодимлари сони ва талабдорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

— маҳаллий ҳусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабдор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

— маҳаллий Давлат рўйхатида олувчи органлардан талабдорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабдорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

— Давлат солиқ инспекцияси ва талабдор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари ҳамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув — далолатномасининг (кеңгайтирилган) асл нусхаси (маъмур ҳужжат эълон чоп этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

— талабдорнинг Ишчи органига тендер тақлифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

— талабдорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабдорнинг СТМР кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабдор — хорижий корхона ва таъшилотлар учун:

— талабдор — корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания ҳусласи (ҳисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда). Маъмур ҳужжат

Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва (ёки) ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

— талабдорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (маъмур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва (ёки) ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);

— талабдорнинг Ишчи органига тендер тақлифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

— талабдорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Саралаш босқичи тендер тақлифларини қабул қилишнинг охирига санасидан бошлаб 15 кун мuddат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори нархлари.

Т/Р	Харид қилинадиган маҳсулот номи	Ўлчов бirlиғи	Миқдори	Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда)
1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари				
1	Дафтар (12 варақ, қоғоз зичлиги 80 г/м² кам бўлмаган)	дона	7 862 058	350,0
2	Акварель бўёқ (12 рангли)	пачка	634 356	4600,0
3	Пластелин (8 рангли, 160 гр. кам бўлмаган)	пачка	634 356	5000,0
4	Рангли қалам (12 рангли)	пачка	634 356	4300,0
5	Оддий қалам	дона	1 278 984	350,0
6	Пенал	дона	634 356	5000,0
7	Расм дафтари (12 варақ, қоғоз зичлиги 112 г/м² кам бўлмаган)	дона	670 851	1700,0
8	Рангли қоғоз тўплами (12 рангли, қоғоз зичлиги 80 г/м² кам бўлмаган)	тўплам	655 624	1500,0
9	Ручка шарикли	дона	670 851	300,0
10	Ўчирғич (ластик)	дона	1 268 531	480,0
11	Елим (клей-карандаш, 21 гр.кам бўлмаган)	дона	639 492	1300,0
12	Ўқувчи суммаси (ранец)	дона	639 492	27500,0

Тендер ҳужжати сотиб олиш истагида бўлган талабдорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 960000 (тўқуз юз олти миң) сўм миқдорига қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлашлари шарт.

Ишчи орган банк реквизитлари: ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ «Ипотек» банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423, ИИН 200524742, ОКОНХ 51520.

Барча тендер тақлифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, тендер тақлифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, тендер тақлифларини топширишнинг охирига қўйилган ўтказилган бўлиши

талаб қилинади (Барча тўловлар сўмда амалга оширилади).

Закалат суммаси билан бириктирилган тендер тақлифлари Тендер комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди.

Тендер тақлифлари 2016 йил 25 апрель соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида қўрсатилган маъмур бўйича Ишчи органига тақдим этилиши лозим (шанба ва қашанба кунларидан ташқари).

Тендер тақлифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабдорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер тақлифлари (конвертлар) очилишида талабдорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

СПОРТ

Тбилиси (Грузия)да дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнир якунланди. Шу йилнинг август ойида Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари рейтинг очколари ўйналган мазкур мусобақада дунёнинг етмиш бир давлатидан энг сара полвонлар майдонга тушди.

Полвонимиз олтин медали



Турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Дибёрбек Ўразбоев (60 кг) Артем Аршански (Исроил), Арам Григорян (Россия) ва Янислав Герчев (Болгария)ни мағлуб этиб, ярим финалга йўлланма олди. Унда полвонимиз киргизистонлик Отар Бестаевни енгиб, ҳал қилувчи беллашувда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Олтин медаль учун кечган баҳсда Дибёрбек Ўразбоев жаҳон чемпиони титулунинг муносиб ироғиди Амартувшин Дашдава (Мўғулистон)ни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ўтган йили Тбилисда кечган баҳслар ярим финалда ҳамюртимиз айнан мўғулистонлик дзюдоچига ўтказиб, бронза медали билан қифолланганди.

Эркин ХОЛБОБОО

«Агробанк» голиб

Бугунги кунда мамлакатимиз банк-молия тизимида фаолият кўрсатаётган ҳодимлар салома-лигини мустаҳкамлаш, спорт билан шуғулланишларини муносиб рағбатлантириш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ташаббуси билан банклараро спорт мусобақалари уюштириш анъанаси айланган.

Куни кеча стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақа ҳам қизгин баҳсларга бой бўлди. Мурасасиз кечган беллашувларда «Агробанк» АТБ жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади.

— Аслида бу каби мусобақаларда қатнашишнинг ўзи киши кайфиятини кўтарди, — дейди «Агробанк» АТБ Касаба уюшма қўмитаси раиси Сервер Оразов. — Анъанавий тарзда ўн биринчи маротаба ўтказилган баҳсларда жамоамиз аъзолари фаол иштирок этди. Маъмур спорт мусобақалари банк тизимида ишлаётган барча ҳамкасблар учун фикр алмашиш, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

ОБ-ҲАВО	29-30.03 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+5 / +10	+18 / +23
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+10 / +15	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+7 / +12	+18 / +23
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+10 / +15	+20 / +25
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+8 / +13	+20 / +25
Тошкент шаҳри	
+10 / +12	+20 / +22

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359

17578

nuxxada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.35

Topshirilgan vaqti — 21.40

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2020-7433

1 2 3 5 6